

Санодан аввал Аъзу биллаҳ

08:22 / 13.01.2019 6313

Ассалому алайкум! Намозда ниятда қўллар боғлангандан кейин санодан олдин Аъзу биллаҳ калимасини айтиш вожиб амалми? Санодан аввал Бисмиллаҳни айтиб намоз ўқиркан бир биродаримиз. Буни ҳукми қандай?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ва алайкум ассалом! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг [намоз](#)ларининг баёнида санодан аввал тааввуз ва [тасмияни](#) айтиш йўқ. Санодан кейин тааввуз ва тасмияни имом ёки ёлғиз ўқувчи айтади, [иктидо](#) қилувчи айтмайди. Чунки тааввуз ва тасмия [қироат](#) қилувчи учун [суннат](#). [Валлоҳу аълам!](#)